

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро солиқ  
муносабатларидаги иштироки ва икки ёқлама солиққа тортишни  
бартараф этишдаги позицияси**

*и.ф.н. (PhD) Ражапов Шухрат Зарипбаевич*

*Тошкент давлат иқтисодий университетининг, мустақил  
изланувчи*

**Аннотация:** Ушбу мақолада иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларида илмий-назарий қарашлар таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** икки ёқлама солиққа тортиш, мустақил агент, солиқ бетарафлилик, трансфер нархлар, даромад манбаи, солиқ ҳисоботи, пасти даражали капитал, халқаро солиққа тортиш.


**Кириш:** Халқаро икки томонлама солиққа тортиш муаммоси бир вақтнинг ўзида турли давлатлардаги ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларни солиққа тортишда юзага келади. Унинг қарорини давлатлар томонидан ички қонун ҳужжатлари қабул қилиниши, шунингдек, халқаро солиқ шартномаларини тузиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Европа иттифоқи билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Ташкилот ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатади. 1999 йил 1 июлда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ратификация қилинди. Бу битим сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқалар ривожини учун имконият туғдирди. Жумладан, томонлар ўзаро савдода бир-бирларига энг қулай шароит яратадилар, бир-бирларига тегишли товарларни ўз ҳудудлари орқали эркин транзит қилишни таъминлайдилар.

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

Европа иттифоқи давлатларида давлат бюджети даромадларининг 52,3 фоизи Республика бюджетига, 30,6 фоизи ижтимоий хавфсизлик фондларига, 16,6 фоизи маҳаллий бюджет даромадларига, 1 фоиздан камроғи бошқа институтларга тўғри келади.

Солиқлар анъанавий равишда бевосита ва билвосита турларга ажратилади. Бевосита солиқлар даромаддан ва мол-мулкнинг ошган қийматидан ундирилади. Бу солиқларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, фойда солиғи ва мол-мулк қиймати ошишидан каби солиқлар киритилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам солиқлар бевосита ва билвосита солиқларга ажратилади. ЕИда ва мамлакатимизда бевосита солиқларнинг улушини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



**1-расм. 2019 йилда Европа иттифоқи давлатлари ва Ўзбекистонда бюджет даромадлари таркибида бевосита солиқлар улушининг қиёсий таҳлили<sup>1</sup>**


Юқоридаги расм маълумотлари асосида ЕИ давлатлар ва мамлакатимиз бюджет даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг улушини таҳлил қиладиган бўлсак, ЕИ давлатлари таркибида бевосита солиқлар улуши энг

<sup>1</sup>[www.worldwide-tax.com](http://www.worldwide-tax.com)  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

юқори давлат Хорватия ҳисобланади. 2019 йилда Хорватияда бевосита солиқларнинг улуши 52,0 фоизни ташкил қилган. Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг энг кам улуши Германия ҳисобланиб, 2017 йилда 27,5 фоизни ташкил этган. Мамлакатимиз бюджет даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг улуши 2019 йилда 23,2 фоизни ташкил этиб, ЕИнинг барча давлатларидан паст ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз бюджетининг асосий қисмини билвосита солиқлар ташкил этади.

Билвосита солиқлар ЕИ давлатлари бюджет даромадларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Билвосита солиқлар хом ашёдан ва маълум ҳаракатларни амалга оширилган қисмидан ундирилади. Унинг ҳақиқий тўловчиси истеъмолчилар ҳуқуқий тўловчилари юридик шахслар ҳисобланади. ЕИда билвосита солиқларнинг асосий турларига ҚҚС ва импорт божлари киради.



**2-расм. 2019 йилда Европа иттифоқи давлатлари ва Ўзбекистонда бюджет даромадлари таркибида билвосита солиқлар улушининг қиёсий таҳлили<sup>2</sup>**

<sup>2</sup> [www.worldwide-tax.com](http://www.worldwide-tax.com)  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

Юқоридаги расм маълумотлари асосида ЕИ давлатлар ва мамлакатимиз бюджет даромадлари таркибида билвосита солиқларнинг улушини таҳлил қилиб айтадиган бўлсак, ЕИ давлатлари таркибида бевосита солиқлар улуши 2019 йилда ўртача 31,1 фоизни ташкил қилган. ЕИ давлатларида билвосита солиқларнинг улуши энг юқори давлат Дания бўлиб, 65,4 фоизни ташкил қилган. Давлат бюджети даромадлари таркибида билвосита солиқларнинг энг кам улуши Хорватияда бўлиб, 2019 йилда 16,6 фоизни ташкил этган. Мамлакатимиз бюджет даромадлари таркибида билвосита солиқларнинг улуши 2019 йилда 52,6 фоизни ташкил этиб, ЕИнинг Даниядан ташқари барча давлатларидан юқори. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз бюджетининг асосий қисмини билвосита солиқлар ташкил этади.

ЕИ давлатларида билвосита солиқларнинг учдан икки қисми ҚҚС ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, энг юқори кўрсаткич Швецияда 75 фоизни, энг паст кўрсаткич Грецияда 55,8 фоизни ташкил қилади. ҚҚС стандарт ставкаси 2019 йилда ўртача 21,5 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда эса 15 фоизни ташкил қилади.

### ***Таклиф:***

1. Европа иттифоқи резидентларининг молиявий операциялардан олинадиган даромадларини солиққа тортиш режимини унификация қилиш ва Ўзбекистон солиқ тизимида иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларидаги халқаро шартномларни миллий солиқ қонунчилигига айниқса солиқ кодексига қўшимчалар киритилиб, алоҳида боб ёки моддаларда меъёрларини жорий этилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига халқаро солиқ муносабатларидан келиб чиқиб, солиқ имтиёзлар ва солиқ дискриминация асосида миллий солиқ қонунчилигида иккиёқлама солиқ солиш усулларини киритиш лозим. Бу давлат ўртасидаги иккиёқлама солиққа тортиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини шарҳлашда ҳамда амалиётга тадбиқ этишда шарҳ сифатида қўлланилади.

3. Иккиёқлама солиққа тортиш муносабатларида давлатлараро тузилган шартномларга мувофиқ давлатларнинг солиқ органлари томонидан миллий солиқ қонунчилигидаги концепция ва категорияларни турлича изоҳлаш натижасида солиқ ҳисоб-китобларни нотўғри амалага ошириш ҳолатлари дуч келмаслик учун миллий қонунчилигида махсус қоидаларни қўллашга доир умумий тартибда изоҳ келтириб ўтиши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 йил январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август.
3. Погорлецкий А.И. Принципы международного налогообложения
4. и международного налогового планирования, Санкт-Петербург, 2005.
5. Полежарова Л. В. Международное двойное налогообложение: механизм устранения в Российской Федерации. М. : Магистр: Инфра-М, 2014. С. 9.
6. Семенихин В. В. Устранение двойного налогообложения по налогу на прибыль // Налоги. 2014. № 29. С. 9.
7. <http://www.soliq.uz> (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси)